

---

## Жаннатмакон юртга ободлик ярашади | Туманда кенг кўламли ободонлаштириш тадбирлари авжида

Фурқатликлар ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган фазилату қадриятларга содиқ, бағрикенглигу тантилиқда тенгсиз эканликларини айна кунларда яна бир бор исботламоқдалар. Дам олиш кунлари кўкларнинг кўркига кўрк қўшиш, кўчаларимиз, маҳалларимизни обод қилиш мақсадида барча тумандошларимиз бир тану бир жон бўлиб, биргалиқда ободонлаштиришга киришдилар.

Ҳудудларда гул кўчатлари, манзарали ва мевали кўчатлар экилди. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, дарахтларга шакл берилди.

Юртнинг обод бўлишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни инсоний бурчи деб билган фурқатликлар бу каби хайрли ишларни барча ҳудудларда давом эттирмоқдалар.

2023-03-11 18:54:42